

## ОФТОБ АЛҚАГАН ЗАМИН ФАРЗАНДИ

**Н. М. Мирзахашимова**

доцент

МРДИ

Ўзбекистон

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V4-I3-3>

### КИРИШ

Ўрта асрлар ҳайкалтарошлик санъатига оид манбаларда “интензиони”, яъни, табиатга тақлид қилиш маъносини билдирадиган ибора учрайди. Унинг моҳиятини Яратган томонидан ато этилган асл истеъдод соҳиблари янада теран идрок этадилар. Зеро, инсон ақлу-тафаккурида табиатнинг ўзи белгилаб берган гўзал шакл ҳосил бўлиши, у кейин уни мрамор, бўёқ ёки бошқа ашёда ифода этишга интилиши ижодкорлар учун аксиомага айланган. Ҳайкалтарош, қаламтасвир устаси Азамат Ҳотамов ана шундай нодир иқтидор эгаларидан.

Ўзбекистон Бадий академияси академиги, юртимиз санъати равнакига улкан ҳисса қўшиб келаётган Азамат Ҳотамов ўз туғилиб ўсган она замини, таърифи асрлар силсиласида Машрик-у, Мағрибни туган жонажон халқининг қадим ўтмиши, мумтоз даврлар солномаларида эътироф этилган анъана ва қадриятларини улуғлаб келаётган забардаст санъаткорлардан, ноёб шахслардан бири.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Азамат Ҳотамов Сурхондарёнинг Шеробод туманида туғилиб вояга етган. Санкт-Петербургдаги Илья Репин номидаги Россия Бадий академияси ҳайкалтарошлик бўлимида устозлари бўлган таникли ҳайкалтарошлар Пинчук Вениамин Борисович ва Аникушин Михаил Константиновичдан танлаган санъат соҳасининг сир-асрорларини ўрганган. Бўлгуси ижодкор дунёқараши шаклланиши, маҳорати ортишида таникли педагог ва олимларнинг ўрни катта бўлди. Азамат Ҳотамовнинг серкирра ижоди марказида ҳаммиша инсон, унинг қисмати туради.

Қадим Сурхон воҳаси ҳайкалтарош ижоди шаклланишига улкан таъсир кўрсатган. Унинг қаламтасвир ҳамда рангтасвирда ишланган асарларида шарқона лиризм, нозиктаъб шеърятга хос нафис оҳанглар садоси эшитилади. Лой ва терракотада ишланган асарларнинг ложувард ва яшил ранглари романтизм чуқур сингдирилган ёрқин ишларнинг гўзал наволарини вужудга келтиради. Азамат Ҳотамов графикаси жуда тиник ва эркин, услуби мураккаб ва кизиқарли. Ажойиб ғоялар, ғайриоддий шакллар сермашаққат меҳнат маҳсули натижаси ўлароқ турли композициялар мисолида давом этирилиб, янги услубий йўналиш касб этган ҳолда ўз мантиғи, ўз қурилиш тизимига эга тарзда муаллифнинг кейинги йилларда бажарган турли ижод маҳсулларида яққол намоён бўлади.

Нозик ижодкор табиатига эга бўлган ҳолда у атрофидаги борлиқни бор гўзаллигида кўра олди. Дунё гўзаллигини муаллиф ўзи айтганидек, кўпроқ

аёл, она ва бола тимсолида ифода этишга ҳаракат қилади. Зеро, аёл образи дунё санъатидаги мумтоз мавзулардан биридир. Жаҳон бадий мерос хазинасининг асл дурдоналари юзага келган бу мавзуга барча маданият ва тамаддулар мурожаат қилишган. Марказий Осиёда олис ўтмишдаёқ мазкур образга нисбатан юксак муносабат шаклланган. “Палеолит Венераси” сингари қадимий кичик ҳажмдаги аёллар фигуралари кўп нусхада учраган. Неолит даврида беўхшов, умумлаштирилган, ясси кўринишли, энеолит даврида эса бирмунча ҳажмли шакллар юзага келган. Бундай топилмалар Сурхонадарё заминидан кўп чиққан. Азамат Ҳотамов шу диёр фарзанди бўлгани учундир, ўз асарларида Юнон-Бактрия, Кушонлар даври, шу билан бир қаторда Кампиртепа, Далварзинтепа, Холчаён топилмаларига кўп мурожаат қилади. Ўз ижодида ўша даврларга хос кўринишларни замонавийлаштиришга ҳаракат қилади.

Унинг айтишича Хуросон меъморлик мактаби анъаналари асосида қурилган, археология ва гўзал архитектурани сеувчиларни ҳайратда қолдириб келаётган, 1109-1110 йилларда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги Минор қишлоғида қурилган минора уни ҳам ўзига жалб қилган. Ҳозирги кунда у мана шу минорани асос қилиб олиб, Сурхондарё тарихига оид композиция яратмоқчи. Дарҳақиқат у илгари она, аёл тасвирига эга ҳайкалчаларда, келинчак тасвирланган композицияда ҳам асосий шаклни минора юқори қисмига ўрнатган. Она сиймоси, она ватан тасвирини, юртимиз тарихига хос археологик топилмалар, узоқ ўтмишни эслатувчи кўринишларни шу минорада жам қилган ҳолда бой тарихга эга юрт рамзига айланувчи композиция яратишни кўнглига туккан.

Азамат Ҳотамов қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошликка оид дастлабки асарларидаёқ санъатда ўз сўзини айтишга интилди. Ижодий услубини оддийликка қуришга ҳаракат қилган ижодкор ўз асарлари учун сюжетларни халқи юрагининг туб-тубида акс этган образлардан олди, унинг азалий орзу-истаклари ила сайқал берди. Шу боис ҳам, унинг нодир ижод маҳсулларида ўзбек халқининг узоқ тарихий жараёнда шаклланган ахлоқий ва эстетик дидини мужассамлаштирган миллий анъаналар ўзининг ёрқин ифодасини топган. У яратган асарларни замонавий ҳайкалтарошликка хос ифода, образлар тузилишининг ички мутаносиблиги, шакл нафислиги, композицион яхлитлик ўзаро бирлаштириб туради. Ҳайкалтарош ижод маҳсулларида миллийликни ифода этишга

интилиш, буни алоҳида техника асосида намоён этишга ҳаракат қилиш алоҳида ўрин тутди. Уста миллийликка мурожаат қилиш орқали кўплаб ифода воситаларига эга бўлади. У ўзи фойдаланадиган хом-ашё тузилиши ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўз персонажларида миллий қиёфани акс эттиришга, нур-соя ҳосил қилишга, шунингдек замон ва макон ечимини топишга эришади. У миллий қаҳрамонлар қиёфасига оид ўзига хос тасавури асосида бир қатор нодир ижод намуналарини яратган.

Азамат Ҳотамов “Тракторчи”, “Мироб”, “Эминов портрети” “Ветеран Хўжанафас портрети”, “Чўпон”, “Ишчи” каби илк асарларидаёқ инсонга хос мураккаб кечинма, хис-туйғуларни ифодалашга интилди. Унинг тарихий образлар яратиш иштиёқида дунё юзини кўрган “Беҳзод”, “Умар Хайём ва Достоевский”, “Умар Хайёмга бағишлов”, “Донишмандлар”, “Ғафур Ғуллом”, “Улғубек портрети” сингари туркум асарлари ҳаяжон ва лиризм билан суғорилган бўлса, гўзал аёл образи ифодаланган “Аёл”, “Оналик”, “Опа-сингиллар”, “Шоира” деб номланган асарлари аёлга хос фидойилик, меҳр-муҳаббат, назокат уйғунлашган эпик дoston даражасидаги полотнолардир.

Ҳайкалтарошликнинг шартлилиги тимсолий асосга кўпроқ боғлиқ, у фазода қабул қилинувчи, энгил ҳис этилувчи реал ҳажмни яратади. Азамат Ҳотамовнинг санъат асарлари бир қарашда жиддий ва вазмин, яна бир қарашда шиддатли ҳаракатларга бойлиги билан ажралиб туради. У яратган композициялар айнан шу жиҳатлари билан кенг кўламли, эркин кўринишда намоён бўлади. Унинг баъзи асарларида чуқур фалсафий фикрни ўқисак, бошқаларида бақувват, ҳаракатчан, буюк мақсадлар сари интилаётган шахслар образларини кўраимиз. Ҳар бир образнинг руҳий, маънавий тўлиқонлилигига эътибор бериш ижодкор эътиборини ўзига кўпроқ жалб қилади, айнан шу жиҳат уни янада кўпроқ кўпроқ тер тўкишга, меҳнат қилишга ундайди. Азамат Ҳотамов ўз ҳайкалларида қаҳрамон характерини намоён этишга интилади.

Азамат Ҳотамов ижодида турли жониворлар, хусусан, отлар тасвирига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳайкалтарош уларнинг инсон билан муносабати, унга таъсир кўрсатишини акс эттиришга интилади.

Азамат Ҳотамовнинг ижодий бисоти юксак савияли асарларга бой. Ижодкорнинг илмий-ижодий йўналишларидан бири анъаналар тарихини ўрганиш соҳасидаги кўп йиллик изланишлари натижаси ўларок, “Тўмарис”, “Анҳор бўйида”, “Қариялар”, “Хаёл”, “Тўйга” каби асарларда гўзал миллий анъаналаримиз ўз ифодасини топган. Бу асарларни таҳлил қилиб, ижодкорнинг ўтмиш анъаналари ва қадимий тимсоллар тилини кўп йиллар давомида чуқур ўрганганлигини билиш мумкин.

У яратган ҳайкалларда кишилар қиёфаси таъсирчан акс эттирилади, уларнинг ташқи кўриниши орқали ички ҳолатини очишга интилиш сезилади. Композициялардаги кўшимча элемент тарзида ишланган безак кўринишлари бир қарашда композицияни ҳашамдор қилиб кўрсатаётгандек.

Аmmo улар ҳайкалларнинг таркибий қисмига айланиб кетганидан персонажларнинг миллий қиёфасини акс эттирувчи муҳим унсур бўлиб кўринади. Уларда ўзбек халқи вакиллари, хусусан аёлларимиз қиёфаси гавдалантирилгани аниқ билиниб туради. Майда кўринишда тасвирланган нақш, безаклар асарларга нафислик бағишлайди. Умуман, ҳайкаллар сиртига туширилган ҳар бир чизги, ҳар бир тасвир муайян маънони ифодалаб, муҳим унсур вазифасини бажаради. Ҳайкалтарош мажозий маънога эга тасвирларни ифодалаш орқали ўз қарашларини, маънавий-ахлоқий идеалларни беришга ҳаракат қилади. Инсонни тасвирлашнинг таъсирчан воситалари образларнинг руҳий ҳолатини очиб беришга хизмат қилади.

Ҳайкалтарош шакл ҳосил қилишда миллий характерни, замондошларнинг маънавий қиёфасини кўрсатишни асосий мақсад қилиб кўяркан, у ўзи ишлаётган материалда одам гавдаси, қўллари ҳаракатини таъсирчан кўрсатишга ҳаракат қилади, бир-бирига туташганидан ўзига хос тасвирга ўхшаб кетадиган ғаройиб чизикларни бўрттириб кўрсатишга уринади. У яратган тасвирларда шакл, ҳажм, ритм мутаносиблигига интилиш сезилиб туради. Унинг баъзи асарларига майинлик, силлиқлик хос бўлса, бошқаларида шакл, ритмнинг кескинлиги кўзга ташланади. У ўз асарлари учун сюжет танлашда эркин ва мустақил ҳолда иш тутди ва масъулият билан ижод қилади. Ҳайкалтарош аёллар образларини яратишни яхши кўради. Азамат Ҳотамовнинг айтишича, у ўз рафикаси бўлмиш Майрамни дилга яқин, илҳом берувчи образ сифатида танлаб, унинг қиёфаси асосида жуда кўплаб асарлар яратган.

Азамат Ҳотамовнинг асарлари ташқи жиҳатдан соддалиги, айни пайтда ўзига хос таъсирчанлиги билан эътиборни тортади. Ҳайкалтарош бунга эришиш учун асарларини атроф-муҳит билан ўзаро уйғунлаштиришга интилади.

Азамат Ҳотамов асарларида бир-бири билан ўзаро боғланган чизгилар ва мутаносиб шакллардан иборат ўзига хос сирли дунё бор. Бу ижод маҳсуллариининг ўзига яраша тили бор.

Ҳайкалтарошнинг “Оила”, “Майрамхон” каби композицияларида инсон кечинмалари, ички ҳиссиётлари ёрқин тарзда акс эттирилган. Инсон табиатининг нозик қирралари шакл пластикаси, баъзан эса ҳайкалтарошга хос услуб, чизгилар мутаносиблиги орқали намоён бўлади. Ижодкор фикрига кўра, ҳайкалтарошлик сингари санъат турининг сарчашма ва анъаналари қадим даврларга бориб тақалади. Қадим анъаналарнинг сақланишини ижодкорнинг кўплаб асарларида кузатиш мумкин.

Азамат Ҳотамов ўз гўзал санъати сирларини шогирдларига ўргатганида илмий-ижодий фаолияти яхлитлиги, тўлақонлигини хис этади. Меҳрибон, ғамхўр устоз, маҳоратли педагог, зийрак ҳамкасб бўлган Азамат Ҳотамов билан суҳбатлашиш мароқли, негаки у ўз билимлар, тажрибасини муносиб авлодларга етказишни ўз муҳим вазифаси деб билади. Ўз навбатида, кучли устозларнинг шогирди бўлгани, ажойиб, бой илмий мактабни

ўтаганлиги унга бу масъулиятни юклайди. Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари Азамат Хотамов дарсларини мароқ билан тинглашади. Чунки у талабаларга ўз билимларини етказишга сидқидилдан ҳаракат қилади, уларга бу санъатнинг ҳамма нозик томонларини сабр билан тушунтириб, изоҳлайди.

Азамат Хотамов яратган туркум асарлар бугунги кунда юртимиз ҳайкалтарошлик санъатининг олтин хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Бу ҳақда қатор композициялардаги ўз мавзуси билан функционал ва композицион уйғунликда бирлашган кўплаб асарлари гувоҳлик беради.

Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида аввало, борликни ўзига хос кўриш, уни ҳис қилиш, бадий ифода этиш, теварак-атрофда кечаётган ўзгаришлар жараёнига муносабат мужжасмдир. Ҳайкалтарошларимиз учун маҳобатлилик, бадий ранг-баранглик, мазмунни умумлаштириб ифодалашга интилиш хосдир.

Нарса-буюмларни ўзининг табиий кўринишидан бошқача тарзда ифода этишга интилиш ҳайкалтарошлик асарларида уларни умумлаштириб гавдалантиришга имкон беради.

Ҳайкалтарош шакл ҳосил қилувчи асосий унсур- макон кўринишига алоҳида эътибор қаратади, шу орқали асарнинг композицион тузилишига ҳажм, салобат ва маъно бағишлайди. Унинг асарларида замон ва макондаги жараённи кўрсатишга интилиш яққол сезилади. Азамат Хотамов ўз асарларида турли хил образлар яратиш орқали воқеликни тарих билан боғлиқ ҳолда талқин этишга ҳаракат қилади.

Баъзан шундай бўладики, ижодкор истеъдодли бўлсада, унинг асари қалбларни тўлқинлайтирмайди, томошабинни кизиқтирмайди. Бунинг асосли сабабларидан бири шуки, ижодкорнинг ҳиссиётлари толиққанида унинг асарлари унчалик таъсирчан чиқмайди. Ижодкорнинг ҳаётга нисбатан қизиқиши сўнгандек бўлса, воқеликлардан ҳаяжонга тушмаса, атрофни, ҳаётни кузатмаса, у яратган асарлар ҳеч кимни кизиқтирмаслиги бор гап. Лекин бордию, ҳайкалтарош борликни қалбининг туб-тубидан ҳис қилиб, ҳали айтилмаган воқеликлар ҳақида сўзлаш ниятида оламга теран нигоҳ билан боқса, у ҳаётни бутун вужуди, бўлакча меҳри билан тасвирлайди. Шунда у яратган асарлар ҳам одамлар қалбидан жой олади.

### ХУЛОСА

Ижодкор ҳамиша аждодларнинг мангу руҳидан мадад олади. У юртимиз кишилари қиёфасида, уларнинг турмуш тарзида ўтган замонлар нафасини ҳис этади. Уларни кўрганида тушларига узок ўтмиш киради.

Азамат Хотамов қалбини тўлдирган туйғуларини ҳаяжон билан идрок этувчи ажойиб инсон. У талабаларга илҳом берувчи серқирра истеъдод соҳиби. Айнан у туфайли кўплаб шогирдлари ҳайкалтарошлик касбига меҳр қўйди.

Унинг асарларида ҳамиша юксак маҳорат, пардозланмаган, шоирона қалб ҳарорати мужжасм.

У турли жанрдаги асарларида ўзининг ҳайратга солувчи юксак бадий оламини намоён этишга эришади. Ҳайкалтарош ижоди ўз халқининг асарларга татигулик бой мероси, тарихий анъаналари ҳамда жаҳон санъатининг ҳаётбахш булоғидан озикланиб келади. Азамат Хотамов инсон маънавий оламини қалбдан ҳис қилади. Томошабинларни чуқур ҳаяжонга солиш, воқеликни кўтаринки руҳда тасвирлаш, кишиларда ҳис-туйғу уйғотиш унинг барча асарлари учун хос хусусиятлардир.



